



СУЛАЙМОНҚУЛ БАЗЗОЗ ИЖОДИДА ДИНИЙ- ТАСАВВУФИЙ ҒАЗАЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Абдураззақова Адиба Оббосовна

АДУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6596328>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10-may 2022

Ma'qullandi: 14-may 2022

Chop etildi: 30-may 2022

KALIT SO'ZLAR

девон, маърифатпарвар,
газета, баззоз, сўфий
шоир, ҳамд ғазаллари,
наът ғазаллари.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул Расвонинг шоирлик салоҳияти, ижод манбалари ҳамда диний-тасаввуфий ғазаллари ҳақида фикр юритилган.

Миллий мустақиллигимиз Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўлини холис ўрганиш имконини юзага чиқарди. Шоирнинг ҳаёт йўли текширилар экан, отаси – замонасининг илғор зиёлиси, маърифатпарвар шоир Сулаймон баззоз – Расво ҳақида, унинг аждодлари ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Гарчи Расво ижодига айрим мутахассислар қисман тўхталган бўлса-да, олиб борилган кичик тадқиқотлар тарқоқ ҳолда бўлиб, тизимли ёндашувнинг йўқлиги кузатилади. Мазкур мақолада Сулаймонқул баззознинг шахсиятига, унинг ижоди манбаларига қисқача тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Сулаймонқул баззоз шеърият билан ёшлик пайтларидан шуғулланиб келса ҳам, ягона қўлёзма девонига ўтган асрнинг 20-йиллардан бошлаб ёзилган шеърлари киритилган. Бугунги кунгача ундан аввал ёзилган шеърлари ҳақида

маълумот ёки бирор бир манба етиб келган эмас.

Адабиётшунос М. Абдурахмоновнинг таъкидлашича, қўлёзма девонда жами 12 та жанр намуналари ўрин олган: ғазаллар – 300 тага яқин, фардлар – 48 та, мухаммаслар – 28 та, мувашшаҳлар – 43 та, мураббаълар – 2 та, таърихлар – 9 та, муножотлар – 24 та, ҳикоятлар – 12 та. Ҳикматлар – 7 та, рубоийлар – 2 та, термалар – 4 та, истиффорлар – 2 та.

Қўлёзма девон жами 239 саҳифадан иборат бўлиб, унда 523 та матн нусхаси мавжуд. Мазкур қўлёзма девон кенжа қизи Фоиқа ая хонадонидан сақланган. Фоиқа ая қўлёзма девонни жорий ёзувга транслетарация қила бошлаган, аммо тўсатдан вафот этганлиги сабабли бу иш тўхтаб қолган. Мазкур ишни адабиётшунос олим М.Абдурахмонов давом эттирган. Кейинчалик адабиётшунос Д.Абдуллаева ушбу



девонни жорий ёзувга ўгириш бўйича қатор ишларни олиб борди. Сулаймонкул баззоз ва унинг девони бўйича республикамиз газета ва журналларида бир қатор мақолалар эълон қилган.

Д.Абдуллаева Сулаймонкул баззоз ижодий мероси ҳақида шундай фикр билдиради: "Шоир Волаи Расво мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттирган. У аруз вазнига панжа ортидан қаралаётган мураккаб даврда ижод қилди. Ўз ижоди орқали шарқ шеърляти анъаналарига содиқлигини намоён қилди".

Волаи Расво шеърларини тадқиқ қилган адабиётшунослар шоир ижодини қуйидагича мавзу гуруҳига ажратадилар:

1. Лирик.
2. Диний- тасаввуфий.
3. Ахлоқий-таълимий.
4. Ҳажвий- танқидий.

Айниқса, Волаи Расво ижодида диний- тасаввуфий шеърлар кўп учрайди. Девон анъанавий тарзда ҳамд ғазаллари билан бошланган:

Раҳматидин тил била дил зикридур
ҳамду сано,
Дўстинг айтур мо зикр покман нечук
айлай адо.

Аҳли иймон айладинг ҳар фазлинг
била мен осийни,

Бу эрур лутфи хосинг
бандага ё раббано.

Шоир инсониятга Аллоҳ учун ҳамду сано айтгувчи тил ва дилнинг берилганининг ўзи катта неъмат, Яратганнинг буюк раҳмати эканлиги мазкур байтларда таъкидлаб ўтилмоқда. Кейинги байтда шоир Яратган фазли билан ўзини осий бандалардан эмас, балки иймон аҳлидан қилиб қўйгани бандаларига берилган

энг буюк лутф, яъни неъмат эканлиги, айтиб ўтилган.

Қандайин ҳамд айтайин
ожиз забонга эга,

Қандайин ҳамд этмайин
неъматларинг бисёрдир менга.

Мазкур байтда Яратганнинг ҳамдини сўзламоққа тили ожиз эканлигини, аммо берган бу қадар кўп неъматларини эътироф этмаслик мумкин эмаслигини айтиб ўтмоқда.

Жумла мавжудод ҳаллоқи
эрурсан бил яқин,

Хона эҳсонингга эй шоҳи жумламинг
бўлдик гувоҳ.

Ушбу байтда шоир "Барча мавжудодларнинг яратувчиси ва энг яқини ўзингдурсан, яна бизга жуда кўп эҳсонлар қилганингга гувоҳимиз", - дея ўз эътирофини баён қилмоқда.

Ваҳми қабр ва хавфи маҳшар, ҳавли
дўзах бандани,

Мўйсафиду нотавон айлаб
қилар қаддин дуто.

Мазкур байтда қабр ваҳми яъни қўрқуви ва маҳшар, дўзах ҳавфлари ҳатто ёшларни ҳам мўйсафид яъни қари чолга, нотавонга айлантириб, уларнинг тик, алифдек адл қоматини эгик ҳолатга келтиради.

Эй Каримо, бандани йўлла
сиротул муттақийм,

Бир ҳавои нафси шайтондан
ўзинг сақлаб худо.

Эй карамли зот, яратган бандаларингни, қулларингни ўзинг "сиротул мустақийм" яъни тўғри йўлга бошлагил, нафси шайтондан, ҳавои истаклардан ўзинг асрагин, Аллоҳим.

Лола янглиғ қатма-қат доғ ичра қолдим
дилафкор,



Зангги дилни ҳар кўрур тун қилур лутфинг сафо.

Маълумки, лоланинг ичида доғ бўлади, шоир ушбу байтда бу ҳолатга ишора қилиб, менинг кўнглим ҳам қатма-қат доғ дилим вайрон бўлди. Ҳар тунда занглаган дилимни Роббим лутфи билан аввалгидек яхши, соғлом ҳолатига қайтаради. Бу бизга Юнон мифологиясини ёдимизга солади: Прометей Олимп тоғидан инсонларга оловни ўғирлаб келтириб, уларга бундан қандай фойдаланишни ўргатади. Одамлар илгари олов ёқиш учун Юнон илоҳларига қурбонликлар қилиб, уларга чин дилдан ёлворишар эди. Прометей оловдан фойдаланишни ўргатгандан сўнг одамлар бу борада худоларга мурожаат қилмай, уларни эсламай кўйдилар. Бу ҳолат бош илоҳ Зевсни қаттиқ ғазаблантирди ва Прометейни Олимп тоғларига занжирбанд қилади. Ҳар тунда жазолаш учун темир тумшуқли бургутини Прометейнинг жигарини чўқиб, уни чидаб бўлмас оғриқлар билан азоблаш учун юборар, лекин эрталабгача жароҳатланган аъзо яна аввалги соғлом ҳолатига қайтиб қолар экан. Девондаги иккинчи ғазал ҳам ҳамд мавзусида бўлиб, у ушбу байтлар билан бошланади:

Раҳимо, фазли жаврингдин атоий ё раббим оллоҳ,

Кўймаё беаъзон бенамози, ё раббим оллоҳ.

Ҳақли бир савол туғилади: хўш, нима учун шоир Яратганнинг муборак исми аъзамларидан айнан “Раҳим” отига мурожаат қилмоқда? Нега у “Раҳмон” отига илтижо қилмаяпти? Бунинг сабабини диний билимларимизга таянган ҳолда шундай изоҳлашимиз

мумкин: умри давомида бирор марта ҳам намозини қазо қилмаган, рўзани ўз вақтида тутган, бир сўз билан айтганда, барча ислом аҳкомларини ўз вақтида адо этган инсонларгина Тангрининг “Раҳмон” исмидан шафоат тилаб мурожаат қила олар экан. Қолган барча инсонлар, ҳайвонот, наботот ва барча яратилган мавжудотлар Яратганнинг “Раҳим” отидан шафоат тилаб илтижо қила олар эканлар. Сулаймон баззоз ҳам ўзини “Раҳмон” отига илтижо қила оладиган инсонлар сирасига ўзини муносиб кўра олмайди ва натижада “Раҳим” исмига мурожаат қилмоқда. Шоир ушбу байтда барча бандаларинг каби ўзининг ҳам беъзон ва бенамоз бўлиб қолмаслигини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқда, чунки бу даврга келиб кўпчилик мусулмон аҳли янги тузум натижасида бенамозга айланган эдилар. Шоир ўшалар қаторида бўлиб қолмаслигини Тангрдан ўтиниб сўрайди. Кейинги байтларда ҳам шоир Яратгандан уммати Муҳаммадияга паноҳ, оҳиратда эса офият сўрайди. Мазкур ғазал ўн бир байтдан ташкил топган. Кейинги ғазалларда қоришиқликнинг гувоҳи бўламиз, чунки аввалги икки ғазал соф ҳамд мавзусида бўлган бўлса, кейинги ғазалларда кези келганда ҳамд, кези келган наът мавзуларини аралаш ҳолда берилганлигини кузатишимиз мумкин: Оч- яланғоч тошни боғлабон сийнага уммат дебон,

Ихтиёр қилмадингиз дунё молини олмай сафо.

Кейинги байтларда ҳамд ва наътлар билан бирга пайғамбарлар, чаҳориёрлар ҳамда буюк ислом авлиё ва олимлари васфи ҳам берилганини кузатишимиз



мумкин. Масалан, девонда бешинчи ўринда келган ғазални кўриб чиқсак, юқоридаги фикримизга яққол далил бўлади.

Офтоби нури Аҳмаддур ёруқ
бу йўл асҳоб ила,
Жумла ҳам бўлдилар нужум гумроҳ
элига иқтидо.

Шоир ушбу байтда мусулмон аҳлига Аҳмад(Муҳаммад с.а.в. нинг яна бир исми ҳисобланади) қуёш нуридек ёрутгувчи, саҳобалар эса тўғри йўл кўрсатувчилардир. Аввалги байтларда санаб ўтилган буюк зотлар бўлса, гумроҳ, яъни тўғри йўлдан адашган одамлар кўзлаган манзилларини топиб олиши учун тўғри йўл кўрсатувчи йўлчи юлдуздирлар, деган фикрларни англашимиз мумкин.

Девондаги 13-18-ғазаллар тасаввуфий руҳдаги шеърлар ҳисобланади. Уларда баён этилган фикрларга эътибор қаратадиган бўлсак, Сулаймонқул баззоз анчагина кучли мутасаввуф эканлигини англашимиз мумкин.

Оллоҳ дедук, ё хув дедук, ё раббано, оч бизга раҳ,

Авф эт гуноҳимиз авф айлабон,
еткур бизни нури мусаффо.

Шоир жуда кўп шеърларида “ё хув дедук” деган жумлани қўллаган. Бу ибора сўфийларга, қаландарларга хос бўлиб тасаввуф йўлига кирган шахснинг ҳайқириғидир. Байтнинг қисқача мазмуни қуйидагича: ягона Аллоҳни дедик, бошқа барча дунё ташвишларига қўл силтадик, шунинг учун эй Роббано, яъни қулларига меҳрибон зот, бизга энг тўғри йўлни кўрсатгин. Қилган ҳамма гуноҳларимизни афв айлаб, мусаффо нур таралгучи жойларга, яъниким, жаннатларингга мушарраф айлагин.

Хув, хув дедим Расво бўлиб, волаи
ҳафт шайдо бўлиб.

Равзанг тилаб маланун дилим, ё
мустафо, ё марҳабо.

Сулаймонқул баззоз ижоди акс этган, бугунги кунгача сақланиб қолган ягона шеърый девонини кўздан кечирсак, уларнинг жуда катта қисми диний-тасаввуфий мавзуда эканлигини англашимиз мумкин. Демак, унинг ижодини бу мавзудаги шеърларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

References:

1. Д.Абдуллаева, С.Маликова. Сулаймонқул Юнус ўғли ва Чўлпон. – Тошкент: “Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён” республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2018.
2. Наим Каримов Чўлпон: Маърифий роман. – Т.: “Шарқ”, 2003.
3. Қуронон Д. Талқин имконлари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015.
4. Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: “Чўлпон” (Нашрга т-чилар: Д.Қуронон, З.Эшонова, У.Султонов), 1994.